Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!

# Хабар

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 11 декабрь № 48 (328) ● Сотувда нархи эркин

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ

***Тошкент Халқаро Электралоқа Маркази (ТХЭАМ) 1991 йилнинг июль ойида ташкил қилинган бўлиб, ўз иш фаолиятини кичик корхона ва кейинчалик давлат корхонаси сифатида бошлади. Республикада биринчи бўлиб хорижий давлатлар билан халқаро телефон алоқа хизматини йўлга қўйди. Олдин халқаро телефон алоқалари хизмати Россия каналлари орқали кўрсатилган бўлса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг тўғридан-тўғри «ИНТЕЛСАТ» ер йўлдош станцияси каналлари орқали хорижий давлатлар билан халқаро телефон алоқасини ўрнатди.***

Корхонамиз ишга тушган йили ўндан кўп Россия канали орқали хорижий давлатларга халқаро телефон алоқа хизматини кўрсатган бўлса, бугунги кунда ўзи мустақил равишда икки юздадан кўп каналлар орқали халқаро телефон алоқа хизматларини Япония, Америка, Англия, Германия, Туркия Корея, Италия, Ҳиндистон каби хорижий давлатларга кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ТХЭАМ ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, корхонанинг даромадларини ошириш, бунинг натижасида ишчиларнинг ўртача маошини юқори даражага кўтаришга эришди. Бугунги кунда корхонамизда 139 нафар ишчи хизмат қиляпти. ТХЭАМ Тошкент шаҳри бўйича аҳолига халқаро телефон алоқа хизматини кўрсатиш учун учта сўзлашув масканларини ташкил қилди. Булар Навоий кўчаси 28-уй, Чилонзор массиви 8 даҳаси, Қатортол кўчаси 21-уйдаги Бахт меҳмонхонаси ҳамда Тошкент Аэропорти қошида очилган сўзлашув масканларидир. «Ўздунробита», «ЎзДЭУ ЮНИТЕЛ» ва «ЎЗМАКОМ» қўшма корхоналарига кўрсатаётган хизматларимиз, шаҳар бўйича факсимил аппаратларини ўрнатиш ва рўйхатга олиш, кичик йўлдош станцияларининг ишлаш жараёнини таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда Россия телерадио дастурларини қабул қилиб узатиш ва телевизион репортажларни хорижий давлатларга узатиш, қабул қилиш каби хизматлар эвазига олган даромадларимиз корхонамизнинг сарф-харажатлари, иш ҳақи ва қолган бошқа корхоналар билан молиявий ҳисоб-китобларни қоплашга, ундан ортиб қолган даромадимиз корхонамизни ривожлантириш ва техник жиҳозларни сотиб олишга сарфланади. Бошқа алоқа корхоналари ҳам ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланасалар, ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитида катта муваффақиятларга эришадилар деб ўйлайман.

***Бахтиёр РУСТАМОВ,***
***Тошкент Халқаро Электралоқа Маркази бошлиғи***

## ТАЙИНЛАШ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Фатхулла Саъдуллаевич АБДУЛЛАЕВ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори этиб тайинланди.***



Фатхулла Абдуллаев 1944 йил Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. Маълумоти — олий, 1968 йили Ленинград электротехника Алоқа институтини битирган, мутахассислиги — радиомуҳандис. 1968-69 йиллари Тошкент электротехника Алоқа институти ассистенти, 1969-1974 йиллари Ленинград электротехника Алоқа институти аспиранти, 1974-77 йиллари ТЭАИ ассистенти, 1977-79 йиллари Тошкент шаҳар телефон тармоғи Бош бошқармасидаги республика ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи, 1979-80 йиллари Тошкент шаҳридаги Республика шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи ўринбосари, 1980-82 йиллари Тошкент шаҳар телефон тармоғи Бош бошқармасида бош муҳандис, 1982-87 йиллари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Республика ахборот-ҳисоблаш маркази директори, 1987-93 йиллари Тошкент машина қурилиш конструкторлик бюросида бўлим бошлиғи, йўналиш бўйича бош конструктор, бошлиқнинг биринчи ўринбосари, 1993-95 йиллари Ўзбекистон давлат «Ўзбеккосмос» фазовий тадқиқотлар агентлиги бош директорининг ўринбосари каби вазифаларда хизмат қилди. 1995 йилдан то ҳозирга қадар «Гранит» Ўрта Осиё монтаж-технологик бошқармаси бошлиғи, «Гранит» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг бош директори эди.

## ОМАD ЁР БЎЛСИН!

«Хабар» газетасининг 1998 йил, 27 ноябрь сонида Тошкент электротехника Алоқа институтининг 2-курс талабаси Дмитрий Попов «Спрайт челленжер» халқаро турнирида МҲСК баскетбол жамоаси сафида иштирок этиб, турнирнинг энг ёш иштирокчиси ва 1-Республика ёшлар ўйинининг энг яхши ҳужумчиси деб тан олингани ҳақида хабар берилган эди. Айни кунларда Д. Попов МҲСК баскетбол жамоаси сафида XIII Осиё ўйинларида иштирок этмоқда. Дима яхши спортчи бўлиши билан биргаликда аълочи талаба ҳамдир, инглиз тилида эса бемалол гаплаша олади.

Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири, ёш спортчиларнинг устози, педагогика фанлари доктори, профессор Илдар Қўшбахтиев қатор иқтидорли талаба-спортчиларнинг номини алоҳида меҳр билан тилга олади. Булар орасида 2-курс талабаси Дмитрий Клипинин республикада ўтказилган I-ёшлар ўйинида тўсиқлар оша 400 метрга югуришда, 3-курс талабаси Марат Сайфулин эса қиличбозлик бўйича ғолиб бўлишди.

Таиландда ўтаётган XIII Осиё ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимизга, шу жумладан Д. Поповга омад ёр бўлишини ва жонажон Ўзбекистонга ғалаба билан қайтишини тилаб қоламиз.

***А. ҲУСАНОВА,***
***Тошкент электротехника Алоқа институтининг маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи***

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАНДИ

UZSCINET компьютер тармоғини яратиш устида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу илмий жараённинг муваффақиятли якунланишини таъминлаш мақсадида халқаро НАТО илмий ташкилоти алоҳида грант эълон қилди. Мазкур тадқиқотни маблағ билан таъминлашга қаратилган бу тадбирни амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академияси физика-техника институти олимлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ушбу илмий жараён учун 80 минг доллар миқдорида пул ажратилди. Бу маблағ ҳисобига янги компьютер тармоғи учун турли алоқа техникаси жиҳозлари ҳам сотиб олинди. Бу асбоб-ускуналар институтга олиб келинди ва монтаж қилинди. Натижада компьютер алоқа тармоғи халқаро Интернетга уланди.

***А. АЛИЕВ***

***● Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг олти йиллиги кенг нишонланди.***

*● Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра давлат ва халқ олдидаги хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган ҳиссаси, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Бу мукофотлар яна бир қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида ўз эгаларига топширилди.*

***● Халқаро кураш уюшмаси конгрессининг қарорига биноан келгуси йилда 3 апрелдан 3 майгача Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилади.***

*● Тбилисида МДҲ мамлакатлари чегара қўшинлари қўмондонлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### • Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

***● Озарбойжон Ислом партияси гўзаллик танловларини ўтказишни тақиқлаш талаби билан чиқди.***

*● Алмати маъмурияти ҳузуридаги кичик ва ўрта бизнес департаменти икки йил мобайнида тижорат дўконларини бутунлай тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.*

***● Франция ва Германия раҳбарлари Потсдамда Герхард Шрёдер Германия канцлери этиб сайлангандан буён дастлабки учрашувни ўтказишди. Икки мамлакат раҳбарлари учрашувида келгуси йилнинг январь ойидан бошлаб ягона Европа валютаси — еврони жорий этиш ва Европа иттифоқини ислоҳ қилишнинг асосий масалалари муҳокама қилинди.***

*● Туркия сўл демократик партиясининг раиси Бюлент Эжевит Туркия Бош вазири этиб тайинланди. У янги ҳукумат тузишга киришди. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл унга бу ишни топширди. 73 ёшли янги Бош вазир ҳукуматни учинчи марта бошқармоқда.*

***● Куба компартияси Рождество байрамини мамлакат бўйлаб расмий тантанага айлантирмоқчи. Фидель Кастро раҳбарлигидаги давлат кенгаши сиёсий бюронинг 25 декабрни миллий байрам, деб эълон қилиш ҳақидаги таклифини тасдиқламоқчи.***

*● Лондонлик 24 ёшли Рона эрга тегишниям «қойил-мақом» қилиб юборди. Ярим йилда ҳе йўқ-бе йўқ 20 марта эрга тегиб чиқса бўладими?! Бунинг устига барчаси расмий қайд этилганига нима дейсиз. Рона шу йўл билан ўзининг молиявий аҳволини ҳам тиклаб олди. Ахир ҳар бир эр билан ажрашганда мол-мулк тенг иккига бўлинаверди-да.*

• Обуна-99

**Азиз муштарийлар!**

**«ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!**

**ОБУНА БАҲОСИ**

**(Каталог нархи)**

**Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.**

• Сўз ҳақида сўз

# ҚУВЛОҚ

Ёдингизда бўлса, буюк Абдулла Қодирийнинг ўлмас «Ўткан кунлар» романида Отабек ва Кумушбиби ўртасидаги муҳаббат туйғусининг авж пардаси узоқ давом этган ҳижрондан кейинги учрашув чоғида улар тилидан айтилган қисқагина уч жумлада ғоят гўзал ифодаланади:

«—Сиз қочқоқсиз!

— Сиз қувлоқсиз!

— Ажаб қиламан!»

Кумушбиби-ку, дарҳақиқат, ажаб қилади. Лекин бугунги кунда унинг қувлоқлигидан ҳам мана шу биргина чинакам ўзбекона сўз— «қувлоқ»ни ажаброқ деса бўлади. Шундай эмасми?

«Қувлоқ» нима ўзи?! Бу сўзнинг бутун маъно товланишларини тўғри тушуниш учун унинг ўзаги «қув»нинг маъноларини тушуниб олиш керак бўлади. Маълумки, «қув» сўзи «қувламоқ» феълининг буйруқ майлидаги шаклигина бўлиб қолмай, айни чоғда «шум», «айёр», «маккор» сўзларига маънодош ҳамдир. Шу боисдан, масалан, «Фалончи соддадил—ҳеч бир қувлик-шумликни билмайди» деймиз. Бинобарин, Кумушбиби Отабекни «қувлаб келган» жуфти ҳалолигина эмас, бир аёлга етарли қувлик-шумликка эга «маликаи айёр» — маккорадир. «Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади», деган гап бежиз айтилмаган, албатта. Кумушбибининг ҳам макри, табиийки муҳаббатидан кучсиз эмасдир. Яъни, Абдулла Қодирий сўз устаси, сўз санъаткори сифатида «қувлоқ» сўзини ҳар икки маънода «қаловини топиб», «кифтини келтириб» қўллайди.

Дарвоқе, бу ўринда жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, бошқа маънолар ҳам англашилади. Маълумки, қув одам шунинг учун ҳам «қув» деб таърифланадики, бу «қувноқ қитмир» ҳамиша ғам-қайғу, дард-алам, кулфат-азани эмас, қувончни, яъни ўйин-кулги, шодлик-хуррамлик, ҳузур-сурурнинг ортидан қувалаб юради. Шу боисдан ўйин-кулгига ишқибоз ўйинқароқ болакай ва ё ишратбоз жазман «ўйин-кулгунинг ортидан қувиб яшайди» дея таърифланади. Кумушбибининг бутун ўйин-кулгиси, шод-хуррамлиги, қувонч-севинчи эса, ўзингизга аёнки, севгилиси Отабек билан! Демакки, «қувлоқ» қуваётган қув одамгина эмас, қувончнинг ортидан қуваётган одам ҳамдир. «Ўйнамоқ» феъли билан «қувнамоқ» феъли ўзаро маънодош сўзлар эканлиги ҳам мутлақо бежиз эмасдир.

Сўзнинг маъно товланишларига яна-да юқорироқдан, кенгроқ назар ташласангиз аён бўладики, худди қумдан иборат сайҳонлик— «қумлоқ», тош тўшалиб ётган майдон—тошлоқ, ўт-ўланлар гуркираб турган яйлов — «ўтлоқ» бўлганидек, «қувлоқ» сўзи ҳам «қув» ўзагининг биз юқорида кўрсатган маъноларини ўзида мужассамлаштиргандир. Бошқача айтганда, «қув» сўзининг бутун маъноларини ўзида жамлаган одам—қувлоқдир.

Одатда, «қув» сўзи одам боласигагина эмас, бир қарашда қувлик-шўхликка мутлақо дахли йўқ нарса ва ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланаверилади. Масалан, «қув умр», «қув дунё», «қув билим» ва ҳакозо сўз бирикмаларини кўпни кўрган қарияларимиз тилида тез-тез эшитиб қоламиз. Сабаб шундаки, жумладан, «қув умр» бирикмасидаги «қув» сўзи юғурик умр, «елдирим умр»даги, «юғурик» ва «елдирим» сўзларига нисбатан «умр» деб аталмиш серқирра ҳодисанинг бутун сифатларининг моҳиятини янада ёрқинроқ ва мухтасарроқ ифодалай олади.

«Қув» ўзагига қурилган «қувла», «қувна», «қувноқ», «қувон», «қувонч», «қўрқув», «қувур», «оққув» ва ҳакозо сўзларнинг айримлари юзаки қараганда мутлақо бошқа-бошқа ўзаклардан таркиб топган бошқа—бошқа маънолардаги сўзлардек туюлади. Аслида улар «қув» ўзагининг бутун маъно товланишларини атрофлича намоён этиб туради. Масалан, «қувур»—сув ё бирон бошқа суюқлик томчилари қувлашиб-урилиб оқувчи идишдир. «Қўрқув» шундай кечинма-руҳий ҳолатки, у одамнинг рангини ўчириб, кўр-кутини қувлаб юборгандек бўлади, «Оқ қув» эса, «Оққуш» сўзига маъно жиҳатидан яқин қадим туркий сўздирки, «ранги қувва оқарди», «ранги қувдек оқарди» дер эканмиз, муқоясада ана ўша «оққув»ни назарда тутамиз. Бинобарин, Отабек Кумушга «Сиз қувлоқсиз» дер экан, аслини олганда, уни «оққушгинам», «оққувгинам», «оқ-қувлоғим»дея эркаламоқда ва ўз навбатида, Кумушбиби ҳам бу нозик ўзбекона лутфни тўғри тушунмоқда. Зотан, ҳар бир ўзбек бўтанинг кичкинаси «бўталоқ»,тойнинг кичкинаси «тойлоқ»дея эркалаб айтилишини жуда яхши билади. «Қувлоқ» ҳам худди мана шундай эркалашларидан биридир, эҳтимол биринчисидир. Моҳир сўз устаси ўзининг суюкли қаҳрамонлари Кумуш билан Раънони «оқ-қубадан келган», дея таърафлайдики, бу аслида «оққувга ўхшаш» демакдир.

Мазкур туркумдаги жажжи мақолаларимиздан бири — «Кўч»ни қутлай туриб, қадрдон акаларимдан бири Жуманиёз Жабборов тил билимдони сифатида «Кўча—сиз ўйлаганингиздек «кўч ўтадиган йўл» эмас, асли «кўйча» сўзининг ўзгарган шаклидир» деб қолдилар. Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз,бу икки маъно бир-бирини инкор этмаслиги,аксинча, тўлдириши аён бўлади. Зотан, «кўй»—»кўчанинг каттаси»дирки, шу боис бу сўзлар кўпинча жуфтлаб «кўча-кўй» тарзида ҳам қўлланади. «Не кўйларга тушдик» саволидаги «кўй», албатта, «кўча»дан катта, яъни, бошқача айтганда, «кўйча»—бу «кўча», демакки, у ҳам «кўч ўтадиган йўл»дир. «Оққув» ва «оққуш» сўзларида ҳам худди шундай. Демоқчимизки, «оққуш» — «оқ-қувларнинг бири»—қувланадиган ва қувланса қочадиган оқ тусдаги жамики қушларнинг муайян бир туридир. «Қувлоқ» эса, юқорида кўрганимиздек, «оқ қувнинг кичкинаси» демакдир.

«Кўча» ва «кўй», «оққув» ва «оққуш», «қув» ўзагига қурилган бошқа сўзлар, айниқса, «қувлоқ» сўзи — булар, амал—оқибат, она тилимиздаги ҳар бир сўзнинг нақадар пурҳикмат ва пурмаъно эканлигини аён кўрсатиб турибди.Шунинг учун ҳам Яссавий, Рабғузий, Атойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Қодирий каби буюк сўз санъаткорлари ўзларининг ўлмас асарларини яратган тил-да бу!.

**ОТАУЛИ**

# ҲИКМАТЛАР

Насиҳатни олмайдиган одам бахтсиздир.

* * *

Ҳар ким айбсиз дўст қидирса, дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди.

* * *

Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонини фидо қилиш мумкин. Аммо номусини ҳеч нарчага фидо қилиш мумкин эмас, чунки номус жондан ҳам қимматлидир.

* * *

Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир.

* * *

Сўз дорига ўхшайди, ортиқчаси зарар келтиради.

* * *

Нодон, жоҳил одамларнинг бир-бирлари билан дўст бўлиб кетишлари таажжуб эмас, аммо онгли ва фозил одамларнинг бир-бирларини кўролмай, душманликка боришлари таажжубдир.

* * *

Яхшилар яхшисини ажрата олиш ҳунар эмас, аммо ёмонлар яхшисини ажрата олиш ҳунардир.

* * *

Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз; зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг — бахтнинг ўзи келади.

* * *

Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган ҳушёрлик.

* * *

Ўзи тушунмаган сўзга аралашган киши беҳуда ўқ узган овчига ўхшайди.

* * *

Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш энг буюк инсоний белгилардандир.

* * *

Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки жазо келтиради.

# БОШҚОТИРМА

• Бўш вақтларда

**Газетамизнинг 1998 йил, 27 март № 12 (292) сонида чоп этилган бошқотирмага пойтахтимиздаги Станциялараро алоқа тармоғи ходими Абдуямин САМАТОВ ва унинг умр йўлдоши Ҳафизахон ҳамда Тошкент Алоқа коллежи талабаси Умаржон СОЛИЕВ тўғри жавоб топишиб, бизга мактуб йўллашган. Бунинг учун биз уларга миннатдорчилик билдирамиз. Хуллас, газетамизнинг ўтган сонларидаги бошқотирма жавоби қуйидагича эди:**

**1. Омметр. 2. Радио. 3. «Коском». 4. Германий. 5. Томсон. 6. Фотоэффект. 7. Астахов. 8. Фортран. 9. Вакуум. 10. Дивиденд. 11. «ХАБАР».**

Энди эса навбатдаги бошқотирмани эътиборингизга ҳавола қиламиз:



1. Ихтирочи. 2. Алоқа соҳасида ишлатиладиган элемент. 3. Ёритиш қурилмаси (воситаси). 4. Алоқа соҳасида ишлатиладиган элемент. 5. Ўлчов бирлиги. 6. Республикамизда фаолият кўрсатаётган фирма. 7. Манфий электрод. 8. Немис олими. 9. Электр занжири учун қонун ўйлаб топган олим. 10. Радио ишлаши учун муҳим ҳодиса. 11. Ёруғлик қонунларидан бири.

• Сўзлар тўғри топилса, ўртада ўлчаш асбобининг номи келиб чиқади.

***Тузувчи М. НАЗИРОВ***

• Ажаб дунё

## «ҚАҲРАМОНЛАР» САРАСИ

Собиқ СССР даврида ўн болани туғиб, тарбиялаган онага «Қаҳрамон она» унвони берилгани ҳамманинг ёдида булса керак. Агар Чилидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Леонтина Эспиноза СССР-да яшаганида юқоридаги унвонни етти марта олган бўлур эди. Негаки унинг 73 нафар фарзанди бор. У 63 ёшда. Бироқ у шу ёшда ҳам етмиш тўртинчи фарзандни кўрди.

Леонтина 16 марта одатдагича туққан, 23 марта эса кўплаб, яъни 12 марта эгизак, 11 марта эса уч эгизак туққан. Аммо Эспинозанинг кўп фарзандлик хислати болаларига негадир «юқмаган». Унинг атиги 11 нафар набираси бор, холос.

• Бу — қизиқ

## ГИТЛЕРНИНГ БОЙЛИГИ

Германияда «Гитлернинг пуллари» деб номланган китоб нашр этилди. Унда ёзилишича, урушнинг охирига келиб фюрернинг бойлиги бир миллиард рейхсмаркадан (ҳозирги ҳисобда етти миллиард марка) зиёд бўлган экан. Гитлер талаган тасвирий санъат асарларининг ўзиёқ ҳозир бир миллиард маркa деб баҳоланмоқда. Немис саноатчилари унинг махсус жамғармасига 100 миллион рейхсмарка маблағ ўтказиб беришган экан. Гитлер почта маркаларида суратлари босилишига рухсат бергани учун эса 50 миллион марка олган.

Гитлернинг расмий йиллик маоши эса бор-йўғи 29200 рейхсмарка бўлган. Бунга қўшимча ҳар йили майда-чуйда харажатлар учун деб 18 минг марка маблағ тўланган. Албатта Гитлер маошидан ортириб, бундай миллиардлаб маблағ тўплай олмас эди.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0664. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 21.00
123456

